

ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ахроров Сарвар Амрилло ўғли

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети магистри

Электрон почта: projekt_lesstroy@mail.ru

Аннотация:

Мақолада Ўзбекистон Республикаси инвестиция салоҳияти, 2021 йилда амалга оширилган инвестицион лойиҳалар уларнинг моҳияти ва самарадорлиги таҳлил қилинган. Қолаверса Тошкентда ўтказилган халқаро инвестиция форумининг аҳамияти ҳамда келишиб олинган инвестицион шартномалар кўрсатилиб ўтилган. Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган хорижий инвесторлар, молия-иқтисодий ташкилотларни, иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдан иборат бўлган муҳим мавзулар ёритилган.

Калит сўзлар: Тошкент халқаро инвестиция форуми, инвестициялар, хорижий инвестициялар ва кредитлар, ялпи ички маҳсулот ҳажми, инвестицион шартномалар, Халқаро молия институтлари, экспорт.

Кириш:

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий шароитларида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шарт-шароитларидан бири ривожланган молиявий воситачилик тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Молиявий воситачилар ссуда капиталининг самарали ҳаракатини таъминлашга, мамлакатдаги инвестициявий фаолликни оширишга хизмат қилади. Жумладан, мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш,

инфратузилмаларни ривожлантириш, иқтисодиётни саноатлаштириш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инсон капиталига инвестиция киритиш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, экспорт ва импортга қулайликлар яратиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва бизнес муҳитини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ушбу йўналишлар ҳозирги глобаллашув даврида долзарблиги билан аҳамиятли. Шундай экан, мазкур энг муҳим йўналишлар Тошкент халқаро инвестиция форумида алоҳида қайд этиб ўтилгани бежиз эмас, албатта. Шу билан бирга, хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилаётганлиги ҳамда иқтисодиёт эҳтиёжлари учун ИТ ва муҳандислик йўналишларини ривожлантириш лозимлиги қайд этилди.

Энг муҳими, 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтақавий бозорларга чиқиш имконияти ҳамда Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP +” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкинлиги ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафғон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” темир йўли орқали Осиё–тинч океани минтақасига, шунингдек, Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодел транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратилаётганлиги инвесторларнинг қизиқишига олиб келади десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида мамлакатда инвестиция жозибадорлиги ошиши ҳамда арзон таранспорт йўлларининг яратилишига ва янги бозорларга чиқишига олиб келади[1].

Тегишли адабиётлар таҳлили.

Бозорлар ва ресурсларга кириш тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий омилидир. Чет ел капиталининг


фақат айрим ҳудудларда ва айрим тармоқларда концентрацияси бошқа минтақалар иқтисодиётининг ривожланишини чеклайди, биринчи навбатда ривожланмаган минтақалар иқтисодиётига таъсир қилади [2]. Эрик Ливни - Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта иқтисодчиси “Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш дунё мамлакатлари билан солиштириб кўринганда ҳам анча хайратланарли. Ўзбекистон индустриал салоҳиятни намоён қилишга интилмоқда. Ўзбекистонда саноатдаги ўсиш орқали тараққиётнинг кейинги босқичига қадам қўйиш жараёнига старт берилди. Албатта, бу хорижий инвесторлар ва замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Катта ютуқлар ҳали олдинда. Ишончим комилки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг йўлбарсига айланади[3]. Одиль Рено-Бассо – Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти “Биз Ўзбекистонда ислохотлар кучини, трансформация кучини ҳис қилмоқдамиз. Бу жуда ижобий ҳолат бўлиб, бутун дунё эътиборини тортмоқда. Шу боис, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган 5 йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётига 3,3 млрд.доллар, ўтган йилнинг ўзида 600 млн.доллар қўпроқ инвестиция киритди [4].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда хорижий инвестицияларни жалб этиш, улар учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини янада ривожланиш муҳитида эканлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши айнан инвестицияларга боғлиқлиги маълумдир. Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга тўғри ёндашув туфайли юқори аниқликдаги прогнозларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган инвестиция қарорлари халқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, уларни технологик модернизация қилиш ва маҳсулот сифатини ошириш каби асосий кўрсаткичлар кўзда тутилган.

Таҳлил ва натижалар.

2021 йил якунига кўра, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 11,1 млрд. долларни ташкил этди (йиллик прогнозга нисбатан 113% бажарилди), шу жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар 9,8 млрд. долларга етди (2020-йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръати 110%). Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 9 млрд. долларга ёки прогнозга нисбатан 117%га, шу жумладан, асосий капиталга 2020 йилга нисбатан 124 фоизлик ўсиш билан 8,2 млрд.доллар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларининг ўзлаштирилиши 2,1 млрд.доллар ёки йиллик прогнознинг 100 фоизини ташкил этди. 2021 йилда ТТХИ ва кредитлар ҳисобидан тармоқ корхоналари томонидан 3,8 млрд. доллар ёки прогнозга нисбатан 103 фоизга, ҳудудий лойиҳалар бўйича эса 5,2 млрд.доллар ёки прогнозга нисбатан 130 фоизга ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг асосий ҳажми энергетика сектори, металлургия, кимё саноати, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ИТ-технологиялар, қурилиш, фармацевтика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга тўғри келди. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига 50 дан ортиқ давлат инвестиция киритаётган бўлиб, хусусан, Хитой (2,2 млрд. долл.), Россия (2,1 млрд. долл.), Германия (800,7 млн. долл.), Туркия (1,18 млрд. долл.) ва Жанубий Корея (137,4 млн. долл.) асосий инвестор давлатлар ҳисобланади.



1-расм. Дунё бўйича 2021 йилда хорижий инвестициялар ҳажми, млрд,долларда¹.

¹ Статистик маълумотлар асосида, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Дунё бўйича статистика маълумотларига таяниб айтишимиз мумкинки, кундан кун ривожланиш авжига олмоқда. 1-расмга қарайдиган бўлсак, дунё бўйича инвестицияларнинг ривож Шимолий Америкага катта ҳажмни ташкил қилади. Ундан кейин эса Шарқий Осиё мамлакатлари устунлик қилмоқда[5].

Яна шуни айтишимизки жоизки, 2022 йилнинг 24-26 март кунлари бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳам Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини яна ривожлантириш учун бир дастак бўлиб хизмат қилади десак муболаға бўлмайди.

2022 йилнинг 24-26 март кунлари бўлиб ўтган ушбу форум халқаро аҳамиятга молик бўлди.

Форумдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган хорижий инвесторлар, молия-иқтисодий ташкилотларни, иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдан иборат.

Умуман олганда, амалга ошириладиган ислохотлар натижасида келгуси 5 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилганлиги ҳамда хусусий секторнинг ЯИМдаги улуши 80 фоизга етказишга оид саъй-ҳаракатлар мамлакатнинг иқтисодий кудратини оширишга хизмат қилади.

Форум доирасида умумий қиймати 7 миллиард 833 миллион долларлик 164 та шартнома имзоланди. Келишувларнинг 97 таси инвестициявий, 67 таси савдо битимини ўз ичига олади. Хорижий инвесторлар, йирик хорижий компаниялар, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий корхоналар ўртасида тузилган ушбу шартномалар орқали мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган қатор лойиҳалар амалга оширилган.

Иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробарга ошиб, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25

млрд,долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига муносиб ҳисса қўшди.

Албатта, амалга ошириладиган ислоҳотлар натижасида кейинги 5 йил ичида ялпи ички маҳсулотни 100 млрд.долларга, йиллик экспорт ҳажмларини эса 30 миллиард долларга, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказиш кўзда тутилган. Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришиш мақсад қилиб қўйилган[6].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 24 мартдаги “Тошкент халқаро инвестиция форуми” даги нутқи.
2. Г. М. Галеева ва Е.Н.Кадеева. Минтақавий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммолари.// Физика журнали: конференция серияси, 1730(2021) 012118, 2020. - П. 8;
3. Эрик Ливни - Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта иқтисодчиси. “Тошкент халқаро инвестиция форумидаги фикрлари;
4. Одиль Рено-Бассо – Европа тикланиш ва тараққиёт банки президентининг Ўзбекистондаги инвестиция салоҳияти ҳақида;
5. Иқтисодий тадқиқот ва ислоҳотлар маркази “Иқтисодий шарҳ” журнали №2/2022. Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги бош директори ўринбосари Алексей Сим фикрлари;
6. “Халқ сўзи” Online газетаси 2022 йил 24 мартдаги нашри.